

Фарзанд тарбияси (18-дарс)



11:13 / 27.12.2017 4666

Дарс Қуръон, ҳадис, зикру дуолар ва Аллоҳнинг исмлари ёд олинганини текшириш ила бошланди. Сўнгра ота деди: «Фарзандларим! Бугун бир ҳадис ўрганамиз. Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Тилидан ва қўлидан мусулмонлар озор топмаган киши мусулмондир”**, деб айтдилар.

(Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.)

Ҳақиқий мусулмон Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билдирганларидек, бошқа мусулмонларга сўзи ва амали билан озор бермаган инсондир. Мусулмон биродарларига сўкиш, масхаралаш, ёмон сўзлар сўзлаш ила озор бермайди. Ёмон сўз Аллоҳни ғазаблантиради. Одобли мусулмон Аллоҳга итоат этади ва фақатгина яхшиликни сўзлайди. Мусулмон биродарларига

«Аллоҳумма фатирос самаваати вал арз ѓалимал ғойби вашшаҳадаҳ Робба кулли шай'ин ва малийкаҳ, ашҳаду аллаа илааҳа иллаа анта аъуузубика мин шарри нафсий ва шарриш шайтони ва ширкиҳ».

(Маъноси: «Аллоҳим, осмонлару ерларнинг яратувчиси, ғайб ва очиқ-ойдинни билувчи, ҳар бир нарсанинг Роббиси ва Эгаси, Сендан ўзга илоҳ йўқ, деб гувоҳлик бераман. Сендан нафсимнинг ёмонлигидан ва шайтоннинг ёмонлиги-ю ширкидан паноҳ сўрайман».)

Шу пайт осмондан ёмғир ёға бошлади ва ёмғир томчилари деразага уриларди.

Маҳмуд: «Отажон! Очиқ айвонга чиқиб, ёмғир ёғишини томоша қилишимизга рухсат берасизми?» деди.

Ота: «Ҳаммамиз очиқ айвонга чиқиб, бу яхшилиқни кўрамиз ва ёмғир ёғиш дуосини ўқиймиз», деди.

Фотима: «Бу қандай дуо, отажон?» деди.

Ота деди: «Ёмғир ёғаётганда шундай деймиз:

أَعْفَانُ أَبِي صَّوْمِلًا

“Аллоҳумма соййибан наафиъан”.

(Маъноси: «Аллоҳим, фойдали ёғдириш ила ёғдир».)

(Имом Бухорий ва Ибн Можа ривоятлари.)